

# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 16 сентябр, жума № 153 (1994)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

**Ватенимиз мустақиллигининг 14 йиллик байрами арафасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида мувофиқ Таштакўпир туманидаги «Таштакўпир» ширкат хўжалиги раиси Ағитай Адилев Ўзбекистон Қаҳрамони унвони билан тақдирланди. Бу хўшхабар бутун Оролбўйи ахлида фахру гурур уйғотди.**

Чорак асрдан буён мазкур хўжаликка раҳбарлик қилиб келатган Ағитай оға каттаю кичикнинг хурмати-га сазовор. У бошчилик қилаётган хўжалик нафақат туманда, балки бутун Қорақалпоғистонда иқтисодий салоҳияти мустақамлашиб, ижтимоий соҳада улкан муваффақиятларга эришадиган хўжаликлардан саналади.

## ОДАМЛАР ТУРМУШИ - МЕНИНГ ТАШВИШИМ

Хўжаликнинг ўзида гишт заводи ишлаб турибди. Раҳбарнинг савий-харакати туфайли 1993 йилдан буён хўжалик ҳисобидан 30 дан зиёд кам ташминланган, кўп фарзандли оилаларга турар-жой куриб берилди. Ағитай оға кўрсатаётган бундай ҳимматдан кўнчилик миннатдор.

жойли қилиш учун қўлим калталик қилаётган эди, - дейди нафақашу Ошиқбой Таипов. - Ағитай оға жуда

етарли шарт-шароит яратиб бериш керак, - дейди Ағитай Адилев. - Кейин иш талаб қилса бўлади. Хўжалигимиз

табиий газ, ичимлик суви, электр энергиядан фойдаланганлиги учун ҳақ хўжалигимиз ҳисобидан тўланапти.

Ағитай оға одамларнинг кетмонини елкага ташлаб эмас, техника жилибини бошқариб ишлаганини хўш кўрадиган раҳбар. Шундан бўлса керак, хўжаликда 53 та ҳайдов трактори бор. Яна шунча бошқа техника воситалари ҳам мавжуд. Қишлоқ хўжалик механизмлари эса алоҳида сақланади.

катта ёрдам берди. У кишининг кўмаги билан уйли бўлди. Хўжалик маркази замонавий шаҳарчани эслатади. Шинам уйлар олдидаги гулзорлар, кўм-кўк боғлар дилни яйратади. Йўллар асфальтланган. Табиий газ, водопровод ишлаб турибди. - Биринчи гада, одамларга яшаш ва ишлаш учун

даги ҳар бир хонадоннинг қозони қандай қайнаётгани - менинг биринчи гадаги ташвишим. Сувсизлик туфайли икки йил ҳосил етиштириш режаси барбод бўлди. Ана шунда ҳам олдинги даромадлар ҳисобидан кам ташминланган оилаларни тўрт ой давомида зарур маъсулотлар билан таъминлаб турилди. Айни кунда 13 та оиланинг

битта шифокор ва битта ўқитувчи бор. - Мустақил юртимизнинг бу юксак мукофоти биргина менга эмас, бутун қорақалпоқ халқига берилган мукофот деб биламан, - дейди Ағитай оға Адилев. - Бу заҳматқаш халқимизнинг фидойи меҳнатига берилган муносиб баҳодир. Бунинг учун Юртбошимиздан чексиз миннатдорман. Келгусида ҳам юртимиз мустақиллигини янада мустақамлашга ҳисса қўшиб, халқимизнинг ижтимоий, иқтисодий аҳволини яхшилаш ва фаровон турмуш тарзини қарор топтиришда ўз куч-гайратини аямайман.

...Тиниб-тинчимас раҳбар, олтимиш уч баҳорни қаршилаган Ағитай оға Адилев каттагина оиланинг бошлиғи, умр йўлдоши Ойман опа билан бирга саккиз фарзанди камолга етказган. Уларнинг ҳаммаси олий маълумотга эга бўлди. Хонадонда учта иқтисодчи, учта ҳуқуқшунос,

**А.ОРТИҚБОВ, ЎЗА МУХБИРИ**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### 2005 йилнинг 1 октябрдан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

Республика аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш ва фуқароларга иқтимоий мададни кўчатириш мақсадида:

- 2005 йилнинг 1 октябрдан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, олий ўқув юртлири талабаларининг, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртлири ўқувчиларининг стипендиялари ўрта ҳисобда 1,2 баравар оширилсин.
- 2005 йилнинг 1 октябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам: иш ҳақи - ойига 9400 сўм; ёшга доир пенсиялар - ойига 18605 сўм; ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нуллини) разряд - ойига 9400 сўм; болаликдан ногиронликга бериладиган нафақа - ойига 18605 сўм; зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 11270 сўм миқдорига белгилансин.
- Белгилансин қўйилсинки, иш ҳақига қўшилаётган ус-тама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган комплексация ва бошқа тўловлар 2005 йилнинг 1 октябрдан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.
- Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирлиқлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг мансаб маошлари миқдорини мазкур Фармондан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.
- Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харajatлар республика Давлат бюджетига ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.
- Хўжалик ҳисобидига қорхона ва ташкилотлар 2005 йилнинг 1 октябрдан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ ишлаб чиқариш самарадорлиги оширилган ва меҳнат сарфи камайтирилган тақдирда иш ҳақи миқдорини оширсин.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 13 апрелдаги ПФ-3596-сон Фармони (4-банди истисно қилинган ҳолда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой мuddатда қонун ҳужжатлари ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.
- Мазкур Фармон матбуотда эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**  
Тошкент шаҳри, 2005 йил 14 сентябр

**МАВСУМ ҚИЗГИН БОРМОҚДА**  
Пахта йиғим-теримининг барвақт бошлаган жиъзақлик пахтакорлар иш суръатини тобора оширмақда.

## Касаба уюшмалари ва йиғим-терим

Пахтазорга кўт-барака кирди. Лўппи-лўппи чанокларга бурканган далада ўзгача шукх ҳукмрон. Жимжит далада сукунатини ҳашарга отланганлар галаговури бўзди. Белига этак боғлаб пахта теримига отланганлар кўп. Бир гуруҳ хашарчилар меҳнат қилаётган Мирзаобод туманидаги «Боғда она» фермер хўжалиги далалирига йўл оламиз. Бу ерда асосан Наврўз қўрғонда яшовчи уй бекалари пахта теришадиган экан. Ғўздаги сара ҳосилини авайлаб этакка жойлаётган жувонлар байратига тасанно яитасиз. Пахта юклаган тележка ёнида маҳалла кўмитаси раиси Тўйчи Турсунқулловни учратади.

Кўрғонда яшовчи 60 нафардан ошиб аёлларга яратилган шароит билан қизиқаялмиз, - дейди маҳаллаком. - Маъқул тушдим, - сўраймиз ундан. - Иссиқ чой қайнатилган, - дейди Тўйчи ака. Фермерга тақлиф бердик. Иссиқ овқат ҳам ташкил этилса, чакки бўлмасди. Каттор оралаб теримчилар сачи юзланамиз. Бодроқдек очилган пахталири шоша-пиша этакка жойлаётган аёл саволларимизга жавоб беради. - Тушликкача 60 кило пахта тердим, - дейди ўзини Малика Ибодова дея та-

## КУНЛИК ТЎЛОВНИНГ АФЗАЛЛИГИ

ништирган аёл. - Кечгача 40 кило теришим керак. - Шунда қанча ҳақ олмасиз? - 5 минг сўм бўлади. Терим бизга катта имконият. Мавсумда мўмай даромад ортираемиз. Дала четидан чангага беланган оппоқ «Жигули» автомобили олиб келарди. Ана фермер бобо ҳам келиб қолди. Ҳойнаҳой пул келтирган.



Жарқўрғон туманидаги Тўхтақ Шобуров номидаги фермер хўжалиги жорий йил 477 гектар майдонда «Наманган-77» навли пахта ҳосилини етиштирди. Айни

## Фермерлар юрт таянчи

Мажид бобо оддий ўқитувчи бўлиб, кишлоқ мактабда математикдан сабоқ беради. Оғир-босиқ, истараси иссиқ бу киши ўз фарзандлирига ҳисоб-китобни ўргатишдан ташқари, узун кечалари «Кобуснома»дан, Хадислардан парчалар ўқиб беради, маъносини эринмай тушунтирар эди. Шунданми, болалари эсли-ҳушли, бамаъни, ҳалол ва меҳнатқаш бўлиб ўсди.

## КИЧИК БИЗНЕСГА ЭЪТИБОР

Ангренлик уста Инакентий Тўю тадбиркорликка кўл урдию ишига барака кирди. Ҳозир у ташкил этган «Тежамкорсервис» масъулияти чекланган жамият хонадонларга газ, сув, электр энергияси ўлчовчи асбобларни тез ва соғ, арзон нархларда ўрнатиб бермоқда. Ҳақиқатини айтганда, 14 нафар кишини доимий иш билан таъминлади.

## ТОШЛОҚДА ГУЛ УНДИРГАН АЁЛ

Шоира ана шундай оилада камол топди. Мактабни тугатиб, Тошкент халқ хўжалиги институтига ўқиди. Матбаачилик соҳасида ишлади. Бир неча йил туман босма-хонасига раҳбарлик ҳам қилди.

Ширинсўз, истараси иссиқ бу аёлининг уйи ҳам доимо гаўжум. Бу беҳиз эмас. У «Тадбиркор аёл» ишбилармон аёллар уюшмаси туман бўлимининг ҳам бошқаради. Боз устига, тумандаги 22 фермернинг бухгалтерия ҳисоб-китобини олиб боради.

Фермерлик ҳаёлига ҳам келмаганди. Ғузгор тутиши, томорқа хўжалигидаги ишлари кўпчилик хавас билан қарарди. Аммо унинг бир парча ерда қилаётган бу ишдан негадир кўнгли тўлмасди. Бу ёқда ўғли Фарход ҳам анча улғайиб қолган, «ер олиб бериш, ишлайман» деб қўймайди. Дастлаб туман марказидан йиғирма чакирмина наридаги чекка, шўр босган, унумсиз жойдан ўн гектар ерни ижарага олганида одамлар ажбланишди. «Аёл боши билан ўзига ташвиш орттириб нима қилади!» Шоира опа бу гапларга парво қилмади. Фарзандларини ёнига олиб, енг шимариб ишга киришди. Ариқ қазиди, далагини тошини терди, трактор ёллаб чуқур қилиб ҳайдатди. Ердан кучини, меҳнатини аямасди. Узининг дармони кетса-да, ерга

Муваффақиятли ишлаши учун мамлакатимизда яратилган катта имкониятлар учун Юртбошимиздан миннатдор-миз, дейди Шоира Мажидова. - Бу борада Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бизни беихоҳ қувонтирди. Тўғриси, ҳар қил «тектир-тектир»лардан жудаям безор бўлгандик. Энди бемалол ишлайдиган бўлдик. - Бу йил фермерлар яна 65 тага кўпайди ва 845 тага етди, уларнинг тасаруфиди ҳозир салкам ўн беш минг гектар экин майдони бор, дейди Ўзбекистон Фермер хўжалиқлари уюшмаси Бўжа туман филиали бош ҳисоб-китобчи Абдулла Тошбоев. - Ерин ҳақиқий эгасига берилаётгани йил сайин ўз самарасини кўрсатамоқда.

Бу йил туман фермерлари давлатга 11 минг тоннага яқин сара дон сотди. Бу борада Шоира опа каби ерининг тилини билладиган, ҳалол меҳнати билан ердан ризқ-рўз ундиратган азамат фермерларимизнинг алоҳида улуши бор.

## ЭРТА ЭККАН - ЭРТА ЎРАР

Давлатга галла сотиш шартнома режасини бу йил биринчилардан бўлиб баҳарган Юкори Чирчиқ тумани деҳқонлари келгуси йил ҳосили учун тай-ёргарлик ишларини бошлаб юборди. Айни пайтда тумандаги барча техник воситалар экиш мавсумига сафарбар этилган. - Ҳақиқатини айтганда, туманнинг 500 гектар майдонга галла экишни режалаштирганмиз, - дейди туман кишлоқ ва сув хўжалиги бош мутахассиси Фани Умаров. - Ҳозиргача минг гектарга яқин майдонга уруғ се-

лидди. «Половчанка» ҳамда «Крошка» галла навларини танлади. Мавсум олдида хўжалик раҳбарлари ва мутахассислар учун кўргазмали семинар-кўнгалар ўтказилиб, тегишли тавсиялари берилди. - Бир кунда 30-35 гектар майдонга уруғ сепаемиз, - дейди тумандаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги раҳбари Турғун Усмоналиев. - Жорий йилда 654 гектар майдонда галла парваришлаймиз. Шу кунгача барча майдонлар экишга тайёрлаб қўйилди. Кузги галла экишни 20 сентябргача тугаллаш ниятидаемиз.

## ЧЎЛНИ БЎСТОНГА АЙЛАНТИРАЁТГАНЛАР

Хўжалик ташкил бўлган йиллик, агар таъбир жоиз бўлса, Мухаммаддон ака дала оиласи билан кўчиб келди. Анча йилдан буён қаровсиз бўлиб ётган ва қўриқсиз ҳолга келиб қолган дала шийпонини ўз кучи билан таъмирдан чиқарди. Бинони одам яшайдиган ҳолга келтирди. Дала шийпонининг бир четига тандир қурди.

Қўриқ ерларда деҳқончилик қилиш осонмас. Чунки атрофда соя-салқин ёки бирон дов-дарахт бўлмаган иссиққа чидаш керак бўлади. Баҳор ойлариде шариллаб қуйган ёмғирга шалаб-бо бўлиб, сувга тўлган кўчаларда юриш, табиат инжиқликларига чидаш ўзи бўлмайди. Лекин тадбиркор бундай ноқулайлик ва қийинчиликларга парво қилиб ўтирмади. Бор имкониятларини ишга солиб, кўпроқ мўл ҳосил ҳақида ўйлади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда қўл кучи билан иш битмайди. Замонавий техникага эга бўлмасанг иш ўнғай қўчмайди. Бундан ташқари, минерал ўғит масаласи. Ҳаммасига қилиш керак. Фермер дегани барисига улғурши керак. Шу боис

дилар. Қувонарлиси шундаки, ушбу мавсумда галладан ҳар қачонгидан ҳам мўл ҳосил қўтардилар. Ҳосилдорлик 50 центнерни ташкил этиб, жами 200 тоннадан ортиқ сара дон йиғиштириб олинди. Шундан 133 тонна сиз давлатга топширилиб, қолган ҳосил фермер хўжалиги ихтиёрида қолди. Шу ўринда «ҳар ким меҳнатига яраша олади» деган қоида амалда ўз инфодасини топа-япти десак, муложага бўлмас. Меҳнат самарадорлигидан асосан хўжалик ишчилари баҳраманд бўлишмоқда. Жумладан, ҳар гектар ер

пайтда хўжалик пахтазорларида 39 та пудратчи меҳнат қилмоқда.

Хўжалик деҳқонлари пахта теримига қилишиб, кунига 60-70 тонна «оқ олтин»ни хирмонларга жўнатмоқда. Пахта ҳосилини йиғиб-териб олинди 465 теримчи иштирок этипти. Айни пайтда далада етиштирилган пахтадан гектаридан 27 центнердан ҳосил йиғиштириб олинмоқда. Ҳозиргача хўжалик аъзолари 1401 тонна-

лик хирмон уйди. Айни пайтда далада пахта йиғим-терими қизгин давом этмоқда.

**Суратларда: пудратчи Ёқуб Долиев; теримчилар Зубайда Махсимкулова, Фарида Хантова, Ойлар Махсимкулова ва Шахноза Менглиева кунига 100-110 килограмдан пахта термоқда.**



И.ХЎЖАЕВ (ЎЗА) олган суратлар

## МЕҲНАТ ВА РАҒБАТ

Кўтаришиб, қўзланган мақсадни амалга оширдилар. Жорий йилдаги мавсумда хўжалик аъзолари 51 гектар майдонда пахта, 41 гектариде аса бугдой парвариш-

хисобига 200 килограмдан дон тарқатилди. Ҳозирда фермер хўжалигида 32 нафар киши меҳнат қилаётир. М.Саидов етакчилигида тиним билмас деҳқонлар ушбу деҳқончилик йилда юксак марраларни қўзлашган. Хуосун 51 гектар майдонда пахта йиғим-теримини бошлаб юборилди. Шунингдек, хўжалик аъзолари ҳар йили ипак қурти парвариш-лаб, давлатга қумуш тола ҳам етказиб бермоқдалар. Бугунги кунда хўжалик 3 та техника, 1 та чопиқ тракторига эга. С.Айдошев, В.Аҳмадалиев, Б.Абдуқаҳҳоров каби механизаторлар бу техникаларни бошқаришмоқда. Обод гўшага айлантирилган шийпонда барча шароитлар муҳайё этилган. Утган йиллар давомида шийпон ҳудуди ободлаштирилди. Бу ерга 2000 тул терак, 200 тул мевали дарахт кўчатлари ўтказилди. **О. ЭРҒАШЕВ, «Ишонч» мухбири**

## ИБРОҲИМ ПОЛВОННИНГ КУМУШИ

Москва шаҳрида самбо бўйича тўртинчи мартаба ўтказилган халқаро турнирда 17 мамлакатдан келган спортчилар қоллиқ учун гилдамга чиқди. Вазни 62 килограмгача бўлган самбочилар беллашувда Иброҳим Алиев барча рақибларини мағлубиятга учратиб, финалга чиқди. Бирок асосий учрашувда мезбонлар вакили Виталий Сергеевга имкониятни бой берган ҳамюртимиз кумуш медал билан қифояланди. Оғирлиги 52 килограмм тош босадиган спортчилар баҳсида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Шавкат Жўраев бронза медали билан чекланди.





